



ISSN: 2181-0796

DOI: 10.26739/2181-0796

www.tadqiqot.uz

**TIL, TA'LIM, TARJIMA
XALQARO JURNALI**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД**

**INTERNATIONAL JOURNAL OF
LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION**



Alisher Navoi



**VOLUME 3
ISSUE 5**

2022



ISSN: 2181-0796

Doi Journal 10.26739/2181-0796

TIL, TA'LIM, TARJIMA
3-SON, 5-JILD

ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД
НОМЕР-3, ВЫПУСК-5

**LANGUAGE, EDUCATION,
TRANSLATION**
VOLUME-3, ISSUE-5



TOSHKENT-2022

Bosh muharrir: Mirzayev Ibodulla

f.f.d., professor (O'zbekiston)

Tahrir hay'ati:

Boqiyeva Gulandom
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Dadaboyev Hamidulla
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Yo'ldoshev Qozoqboy
p.f.d., professor (O'zbekiston)

Rasulov Ravshanxo'ja
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mamatov Abdi
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Safarov Shahriyor
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Shahobiddinova Shohida
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Qulmamatov Do'smamat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mirzohidova Muyassar
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Uluqov Nosirjon
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Eltazarov Jo'liboy
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Umurqulov Bekpo'lat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Bakirov Poyon
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Pardayev Azamat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Xayrullayev Xurshid
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Kiselyov Dmitriy
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Labib Said Mohammad Alem
f.f.d., dotsent (Afg'oniston)

Mirzayev Rahmatulla
yu.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Sobirov Anvar
PhD (O'zbekiston)

Nadim Mohammad Humoyun
PhD (Afg'oniston)

Ubaydullayeva Maftuna
PhD, dotsent (O'zbekiston)

Isakova Nodira
PhD, dotsent (O'zbekiston)

Qodirova Barno
kotib, PhD, dotsent (O'zbekiston)

Xasanov Axmad
mas'ul kotib (O'zbekiston)

Bosh muharrir o'rinbosari: Ismoilov Salohiddin

f.f.n., professor (O'zbekiston)

Ilmiy maslahat kengashi:

To'xtasinov Ithom
p.f.d. (O'zbekiston)

Raximov G'anisher
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Saidov Sa'no
f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Baqoyeva Muhabbat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Turniyozov Ne'mat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Irisqulov Muhammadavaz
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Berdaliyev Abduvali
f.f.d., professor (Tojikiston)

Sayfullayeva Ra'no
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Djusupov Maxanbat
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Jabborov Xo'jamurod
f.f.d., dotsent (O'zbekiston)

Abdiyev Murodqosim
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Yoqubov Jamoliddin
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Karimov Suyun
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mo'minov Siddiq
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mamatov Abdug'ofur
f.f.d., professor (O'zbekiston)

Suvonova Nigora bonu
f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Mukhametkaliyeva Gulnar
f.f.n. (Qozog'iston)

Sahifalovchi: Shakhram Fayziev

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>;

Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>;

Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

MUNDARIJA \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

TILSHUNOSLIK

| | |
|---|----|
| 1.Rasulov Ravshanxo'ja, Murodova Firuza Fe'l asosli gaplarning obyekt valentligi..... | 7 |
| 2.Пардаев Зафар Ўзбек тилида нутқий актларнинг баҳо билан прагматик катламланиши..... | 17 |
| 3.Safarov Firuz O'zbek adabiy tili grammatik qurilishining tayanch unsuri..... | 26 |
| 4.Рўзиев Яраш Ўзлаштирма нутқнинг морфологик тури ва унинг қиёсий таҳлили (ўзбек ва немис тиллари мисолида)..... | 35 |
| 5.Nigmatova Lolaxon Sistemaviylikning formal-funksional tushunilishi..... | 46 |
| 6.Botirova Adiba Grammatik o'quv lug'atlari tuzish va ulardan foydalanish bo'yicha tavsiyalar..... | 59 |
| 7.Жаббарова Юлдуз Қариндошлик терминологияси муҳим этнографик ва тарихий манба сифатида..... | 67 |
| 8.Долиева Лайло “Эмоция”нинг фанлараро ракурсидаги ички ва ташқи тасвири..... | 74 |
| 9.Гаппаров Алибек Публицистик матннинг социоллингвистик тадқиқи..... | 87 |
| 10.Urokov Xasan Kun.uz ijtimoiy tarmoq xabar matnlarining sotsiolingvistik tahlili..... | 95 |

TA'LIMSHUNOSLIK

| | |
|---|-----|
| 11.Юсупова Зарина Роль цифровой компетенции в современной образовательной среде в высшем образовании..... | 103 |
| 12.Qodirov Umut Chet til darslarida kulturologik yondashuv..... | 113 |
| 13.Юсупова Зарина Цифровая грамотность педагога как компонент педагогической культуры и показателя профессионального мастерства..... | 122 |

TARJIMASHUNOSLIK

| | |
|--|-----|
| 14.Юлдашева Дилшода Вклад американского лингвиста Эдварда Сепира в современное языкознание..... | 131 |
|--|-----|

TIL, TA'LIM, TARJIMA ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

Рўзиёв Яраш

БухДУ доценти, фил.ф.ф.д. (PhD)

Бухоро давлат университети

М. Иқбол кўчаси 11-уй

yarasch@mail.ru

ЎЗЛАШТИРМА НУТҚНИНГ МОРФОЛОГИК ТУРИ ВА УНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ (ўзбек ва немис тиллари мисолида)

 <https://zenodo.org/record/7801112#.ZC0eWXZBy3A>

АННОТАЦИЯ

Ўзбек адабий тилида ўзлаштирмаликнинг синтактик тури билан бирга феъл ўзаги+ *-(u)бди, -ади (-йди), -ган, -ган экан, -(a)r экан, -(a)r эмиш, -син экан, -син эмиш* ва бошқа шу каби воситалар орқали ифодаланадиган морфологик тури ҳам мавжуд. Ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларни бетараф, қулай, ойдинлаштирувчи ва таъкидловчи матнда таҳлил қилиш орқали бу воситаларда эшитилганлик маъноси бир хил эмаслиги аниқланди. Мақолада ўзбек ва немис тилларида ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларнинг ўзлаштирмаликни билдирувчи синтактик воситалар билан ўзганинг нутқини ўзлаштириб баён этиши жиҳатидан ўхшашлиги, морфологик воситаларнинг синтактик воситалардан хабар манбаининг кўрсатилмаслиги ва нутқ феълларининг қўлланмаслиги билан фарқланиши бадий асардан олинган мисолларнинг қиёсий таҳлили асосида кўрсатилган. Таҳлил учун мисоллар А.Қаҳҳорнинг Синчалак асаридан олинди.

Калит сўзлар: ўзга нутқ, кўчирма нутқ, ўзлаштирма нутқ, матн, микроматн, муаллиф нутқи, хабар манбаи, эшитилганлик семаси, синтактик восита, морфологик восита, нутқ феъли, тил қурилиши, тежамкорлик.

Ruziyev Yarash

Associated Professor of the Bukhara State University, PhD

Muhammad Iqbal Street 11

yarasch@mail.ru

MORPHOLOGICAL TYPE OF INDIRECTED SPEECH AND ITS COMPARATIVE ANALYSIS (on the basis of Uzbek and German languages)

ABSTRACT

In the Uzbek literary language, there are syntactic and morphological types of indirect speech expression. The morphological type of indirect speech is expressed by such means as the *verb stem + -(i) bdi, -adi (-iydi), -gan, -gan ekan, -(a) r ekan, -(a) r emish, -sin ekan, emoq*

etc. By analyzing the morphological means of expressing indirect speech in neutral, favorable, concretizing and ascertaining contexts, it was found that the meaning of audibility in these means is not the same. The article shows the similarity of the morphological means of the Uzbek and German languages with the syntactic means of expressing someone else's speech. The difference between the morphological type and the syntactic type is that the source is not indicated and speech verbs are not used. A comparative analysis is made on the basis of examples taken from the story of *Sinchalak* of A. Kahhar.

Keywords: someone else's speech, direct speech, indirect speech, text, microtext, author's speech, message source, audibility seme, syntactic means, morphological means, speech verb, language structure, economy.

Рузиев Яраш

Доцент БухГУ, д.ф.ф.н., PhD

Бухоро государственный университет

ул. М. Икбол 11

yarasch@mail.ru

МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ ТИП КОСВЕННОЙ РЕЧИ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

(на примере узбекского и немецкого языков)

АННОТАЦИЯ

В узбекском литературном языке существуют синтаксический и морфологический типы выражения косвенной речи. Морфологический тип косвенной речи выражается такими средствами как глагольная основа + *-(u)бди, -ади (-ийди), -ган, -ган экан, -(a)р экан, -(a)р эмиш, -син экан, эмоқ* и т.д.. Путем анализа морфологических средств выражения косвенной речи в нейтральном, благоприятном, конкретизирующем и констатирующем контекстах было установлено, что значение слышимости в этих средствах неодинаково. В статье показано сходство морфологических средств узбекского и немецкого языков с синтаксическими средствами выражения чужой речи. Отличие морфологического типа от синтаксического заключается в том, что источника не указывается и речевые глаголы не используются. Сравнительный анализ сделан на основе примеров, взятых из повести *Синчалак* А. Каххара.

Ключевые слова: чужая речь, прямая речь, косвенная речь, текст, микротекст, авторская речь, источник сообщения, сема слышимости, синтаксические средства, морфологические средства, речевой глагол, языковой строй, экономия.

В.Хумболт тилни 1) мазмун-мохиятига кўра рухий фаолият, рухий кувват, 2) тузилишига кўра бутунлик, яхлитлик (тизим, система) ва 3) вазифасига кўра ижтимоий ходиса деб атаган [2, 69, 70, 72]. Рухий кувват деганда атоқли олим тилни халқ рухий кувватининг ифода воситаси эканлигини назарда тутган. Бутунлик ёки тизим деганда эса тилни ўзаро узвий боғланган қисм(унсур)ларга эга яхлитлик деб унинг тузилиши, тартиботи (структураси) халқнинг рухий кувватига боғлиқ эканлигини назарда тутди. Шу билан бирга, халқларнинг рухий куввати (тафаккур тарзи) бир хил бўлмади, бинобарин, тилларнинг қурилиши ҳам бир хил эмас деб уқтиради атоқли олим. Таърифнинг учинчи қисмидан тил жамият аъзоларига ўзаро мулоқот қилиш ҳамда бир-бирини тушуниш имконини берадиган бебаҳо хилқат эканлиги англашилади. Кўринадики, мукамал таърифнинг дастлабки икки қисмида тилнинг шакл ва мазмуни, зоҳир ва ботини бошқача айтганда сурат ва сийрати тавсифланган бўлса, охириги қисмида унинг қўлланиши, яъни иш кўриш доираси баён қилинган[9, 71].

Ўзгалар нутқи ифодаланишининг энг оддий усули кўчирма нутқдир. Кўчирма нутқда ўзганинг фикри ҳеч ўзгаришсиз, айнан баён қилинади. Ўзгалар нутқи ифодаланишининг иккинчи муҳим усули ўзлаштира нутқдир. Ўзлаштирмалик синтактик ва морфологик йўл билан ҳосил бўлади. Морфологик йўл билан ҳосил бўладиган ўзлаштирмалик қиёсланаётган тиллардан фақат ўзбек ва немис адабий тилларига хос, рус тилида эса ўзлаштирмаликнинг фақат биринчи тури, яъни синтактик йўл билан ҳосил бўладигани хосдир [7, 66-67; 8, 141-145].

Ўзбек тилида кўчирма гапни ўзлаштира гапга айлантириш жараёнида юқори даражада шаклий эврилиш рўй беради. Аниқроқ қилиб айтганда, фикр ифодаловчи восита шаклан мураккаб тушунча англатувчи воситага ўзгаради. Натижада синтактик тежамкорлик зуҳур бўлади.

Сўзловчи нутқининг сўзма-сўз берилишига эҳтиёж бўлмаганда, – деб ёзади проф. А.Н.Нурмахонова, – *ўзлаштира гап* қўлланади. Ўзлаштира гап турмушда кўп ишлатилади. Чунки ўзга гапнинг бу тури катта жумлаларни қисқартириб айтишга қулайлик туғдиради. Натижада кўчирма гап муаллиф томонидан иккинчи марта ўзгартирилади. Муаллиф биринчи марта кўчирма гапни ўз гапи ичида ўзгартирмай қўлласа иккинчи марта у кўчирма гапни гапига едириб ўз услубида қайтадан ишлаб чиқади. Бу ўзгариш натижасида кўчирма гап таркибидаги кишилик олмошлари берилмай, феълнинг шахс, сон категориялари кўрсатилмайди, бутун гап муаллиф номидан учинчи шахс орқали ифодаланади. Тадқиқотчининг якуний хулосаси шуки, кўчирма ва ўзлаштира гаплар коммуникатив вазифани юзага чиқарувчи воситалардан биридир [12, 504].

1976 йилда нашр этилган академик грамматикада мазкур мавзунинг талқини акад. М.Асқарова қаламига мансуб. Мавзу *кўчирма гапли конструкциялар* деб номланган [11, 457-473]. Сарлавҳа шундай номланган бўлса ҳам ўзга гапнинг учала тури назарда тутилган. Унга шундай таъриф берилади. Ўзганинг гапи маълум шахснинг фикрини автор (ҳикоя қилиб берувчи)нинг гапи орқали ифодаланишидир. Ўзганинг гапини баён қилиб берувчи автор, унинг гапи автор гапи дейилади. Гапи ифодаланаётган шахс сўзловчи ҳисобланади [11, 458].

Замонавий тилшуносликда ўзга нутқнинг асосан икки тури, яъни кўчирма ва ўзлаштира нутқ (гап ёки жумла) ажратилади. Адабиётларда ҳар қайси тур алоҳида мавзу қилиб кетма-кет берилади. Бу жиҳатдан улар бир-биридан фарқланмайди. Фарқ шундаки немис ва рус тилларида ўзга нутқ воситаларининг семантик функционал бошқача айтганда парадигматик ва синтагматик хусусияти (яъни шакли, тузилиши, мазмуни ва қўлланиши) мазкур тилларнинг қурилиши (Вау, строй)га тўла мос келади. Бинобарин, тадқиқу талқин тил қурилишининг ўзига хос хусусиятини акс эттиради. Шунга кўра дарслик ва қўлланмаларда берилган қоидалар ўқувчи ва талабаларга мазкур мавзулар ҳақида тўғри ва тўла билим олиш имконини беради.

Германист К.Г.Крушельницкая грамматик категория ва унинг замиридаги умумлашган маъноларни уч турга бўлади. Биринчи тур грамматик маънолар мавжудот ва ҳодисалар орасидаги объектив муносабатларни ифодалайди. Булар қаторига отнинг сон категориясини шакллантирадиган миқдорий муносабат, яъни бирлик ва кўплик маънолари киритилади. Иккинчи тур умумлашган маънолар гап мазмунининг объектив воқеликка муносабатини билдиради. Феълнинг майл, замон ва шахс категориялари шу сирага мансуб дейилади. Учунчи тур грамматик маънолар сўзловчининг баён қилинган фикрга муносабатини билдиради. Бу ўз навбатида учга бўлинади: 1) *хабар, сўроқ ва буйруқни ифодаловчи коммуникатив мақсад категорияси*; 2) эски (таянч) хабар, янги хабар маъноларини англатувчи *коммуникатив вазифа категорияси* бошқача айтганда гапнинг актуал бўлиниши ва 3) артикл орқали ифодаланадиган аниқлик ва ноаниқлик, модал сўзлар воситасида ифода этилувчи қатъийлик ва тахмин маъноларидир [1, 750-754; 5, 220-223].

Иккинчи тур деганда кўчирма гапдан морфологик йўл, яъни кўшимча ва тўлиқсиз (ёрдамчи) феъл билан ясаладиган шакллар назарда тутилади. Маълумки, кўчирма гапни иккинчи ўзлаштира гапга айлантирганда кесимнинг кўшимчаси ва тўлиқсиз феъл ўзгаради холос. Кўчирма гапнинг луғавий таркиби ўзгармайди. Рус тилида ўзлаштирмаликни шакллантирувчи синтактик воситалар мавжуд, холос. Немис тилида бундан ташқари морфологик воситалар ҳам бор. Шу боис ўзбек тилидаги иккинчи тур ўзлаштирмаликни таржима қилишда мазкур воситалардан биттаси ёки ҳаммаси иштирок этади[8, 141].

Ўзлаштирмаликнинг биринчи туридан кўра иккинчи тури кўпроқ қўлланади. Чунки иккинчи тур шакллари биринчидан кўшимча ва ёрдамчи феъл билан ҳосил бўлганидан катта жумлаларни қисқартириб ихчам баён қилиш имконини беради. Иккинчидан ўзлаштирмаликнинг биринчи тури синтактик йўл, яъни бирикмали тўлдирувчи ва муаллиф гапидан ясалгани боис икки қисмли бўлади. Кўчирма гап ҳам шундай, икки қисмдан таркиб топади. Ўзлаштирмаликнинг иккинчи тури бундай эмас. Кўшимча ўзи қўшилган феъл ўзагини ўзлаштира гапга айлантиради. Демак гап бир сўзли бўлади. Жумладан, *-(u)бди* қўшилган феъл шундай хусусиятга эга. Уларнинг қисқа шакли шундай: *Оламан деди. – Олишини айтди. – Олибди*. Биринчи ва иккинчи мисолдан муаллиф гапи (*деди, айтди*) тушириб қолдирилса ўзга гаплик хусусияти йўқолади. Биринчиси предикативликни тўлиқ шакллантириб иккинчиси тўлдирувчи бўлгани учун тушунча билдиради холос.

Маълумки, ўзганинг фикрини баён қилиб берувчи шахс *муаллиф* (автор ёки ҳикоя қилиб берувчи) деб аталади. Гапи ифода қилинаётган шахс эса сўзловчи ҳисобланади.

Иккинчи тур ўзлаштирмаликда муаллиф гапи (ёки хабар манбаи) алоҳида восита орқали ифода этилиб ҳажман ҳар хил бўлади ҳамда бир, икки, уч ва ундан ортиқ сўздан таркиб топади. У фақат гап шаклида эмас, сўз бирикмаси ва алоҳида сўз кўринишида ҳам воқеланади. Буларнинг мазмун-маъноси ҳам турлича бўлиб аниқ бир, бир неча шахс ёки номаълум шахс(лар)ни билдиради. Айрим ҳолда хабар манбаи бўлган шахсни умуман аниқлаб бўлмайди (эртак, ривоят ва ҳоказода шундай).

Муаллиф гапи (ёки хабар манбаи)нинг ўрни ҳам ҳар хил бўлади. Ўзлаштира гапдан олдин, кейин, ўзлаштира фикр билан битта содда гап таркибида ёки алоҳида гап шаклида келади. Нутқий вазият ва нутқ мақсади талабига кўра у ўзга гапдан бир ёки бир неча гап, ҳатто бир неча абзац олдин ёхуд аксинча кейин келиши мумкин. Баъзан эса қўлланмай назарда тутилади яъни тежаллади. Бунга микро- ёки макроконтекстдаги лисоний восита ва нолисоний омиллар имкон беради.

Ўзлаштира хабар ҳақидаги маълумот тўлиқроқ бўлиши назарда тутилса ёки тақозо этилса таҳлил гап доирасидан ташқарига чиқади. Аниқроқ айтганда, контекстуал таҳлилга мурожаат қилишга тўғри келади. Шу боис ушбу мақолада контекстуал таҳлилни қўллаш лозим топилди. Таҳлилни кўшимча билан ҳосил бўладиган шаклларнинг биридан бошлаймиз¹.

-(u)бди шакли ўзлаштирмаликни ифодалаш учун кўп қўлланади [2, 107]. Ушбу шаклнинг алоҳида бир ўзи қўлланганда ўзлаштирмалик ва унинг хабар манбаи воқеланувчи микро- ва макроконтекстлардан айриминигина таҳлил қиламиз. Бунда асосий диққат-эътибор унинг рус ва немис тилларига таржимасини қиёслаб баён қилишга қаратилади.

Куйидаги мисол битта қўшма гап, яъни макроконтекстдан иборат:

Ҳа, айтгандай, қайси қуни Ҳакима келган эди, Қаҳрамон бўлишига ўттиз бир тонна етмабди (62).

¹ Таҳлилга тортилган барча мисоллар А.Қаҳҳорнинг *Синчалак* асари ва унинг бевосита (русча) ҳамда билвосита (немисча) таржима матнларидан олинган.

Биринчи содда гап хабар манбаи вазифасини бажармоқда. Ихчамлик мақсадида нутқ феъли ва унинг эгаси (*ўша айтди*) тежалган. Хабар манбаининг эгаси атоқли от (Ҳакима), кесими бевосита кузатганлик семаси белгиланган ўтган замон шакли (*келган эди*). Сўзловчи шу феълдан англашилган иш-ҳаракатни бевосита кузатган. Сўзловчи тингловчига Ҳакиманинг *қаҳрамон бўлишига ўттиз бир тонна етмади* деган фикридаги фақат *-ди* кўшимчани *-(и)бди* билан алмаштиради. Натижада содда гапдан иборат ўзлаштирама хабар ҳосил бўлади. Бу *микрконтекст минимал контекстга* айлантирилганда, яъни гапнинг эгаси аниқловчиси (*ўттиз бир тонна*) билан ва кенгайган тўлдирувчи (*қаҳрамон бўлишига*) тушириб қолдирилса ҳам феъл ўзаги англаган иш-ҳаракатнинг ўзлаштириб баён қилинганлиги англашилаверади. Мазкур гап бўлаклари кесим вазифасидаги феълнинг валентлиги билан боғлиқ бўлиб нутқ вазияти тақозо этгани боис қўлланган. Аммо хабарнинг тугалроқ бўлиши учун ҳам сўзловчи ва тингловчи аниқ-равшан эмас. Уларни аниқлаш учун *макроконтекст*, аниқроғи олдинги гапларга мурожаат қиламиз. Олдинги гапдан сўзловчининг *Хуринисо* эканлиги аён бўлади. Ундан олдинги абзацдан эса тингловчининг *Саида* эканлиги маълум бўлади. Бинобарин *Хуринисо* бошқа нутқ вақти (моменти)да Ҳакимадан эшитган хабарни ўзлаштириб, яъни кесимнинг замон, майл ва шахс кўшимчасини алмаштириб Саидага баён қилмоқда. Мазкур ўзлаштирама хабарнинг контекстуал таҳлили шундан иборат.

Энди русча таржимадан ўзбекча микроматнга мос келадиган қисмини қиёслаб кўрамыз:

А Ходжар – ты помнишь ее, - кивнула она Таджихон – недавно приезжала к нам, говорят, что для звания Героя у нее всего тридцать одной тонны не хватило! (144).

Таржиманинг грамматик жиҳатини асл нусхага бирмунча мос деса бўлади. Чунки ўзбекча ўзлаштирама гап синтактик йўл билан эргаш гап орқали берилган, эргаштирувчи боғловчи (*что*) қўлланган. Кесимнинг шакли ва бошқа бўлақлар кўчирма гапдагидек, ўзгармаган. Аммо хабар манбаи ўзгартирилган. Асл нусхада хабарни ушбу нутқий амалда сўзловчи бўлган шахс (*Хуринисо*) бошқа нутқий амалда тингловчи сифатида сўзловчининг ўзидан эшитган. Таржимада қўлланган сўз (*говорят*) эса аниқ битта шахсни англамайди.

Нутқий амал аъзо ва иштирокчилари ҳам асл нусхадан фарқ қилади. Таржимага кўра тингловчи Тожихон ва у атоқли от билан ифода этилган. Асл нусхада эса тингловчи Саида, у макроконтекстдан маълум бўлади. Тожихон учинчи шахс, нутқий амал иштирокчиси холос. Асл нусхадаги тежамкорлик, ихчамликка ҳам тўла риоя қилинмаган. Гап кўшилган, айрим сўз ўзгартирилган (Ҳакима ўрнига Ходжар дейилган). Асл нусхадаги ноҳиссий баён таржимада ҳиссиётга ўзгарган. Сўзловчининг субъектив муносабати нолисоний омил воситасида ифода этилган (*ёзувда ундов белгиси*) ва ҳоказо. Немисча таржима билвосита бўлгани учун русча матндаги хатолар кўпчилиги айнан такрорланган. Жумладан, гап кўшилган, асл нусха ва русча матнда йўқ сўз (*мехнат – die Arbeit*) қўлланган, баён ҳиссий ва б. Микроматнда рус тилидагидек чизиқ (тире) билан кифояланмай кўштирноқ ҳам ишлатилган. Хабар манбаи вазифасида модал феъл (*sollen*) келган. Чунки бу феъл маъноларидан бири *ўзлаштирмалик* бўлиб рус тилидаги *говорят* феълига мос келади. Унинг 2-инфинитив билан қўлланиши ўзлаштирилган иш-ҳаракатнинг ўтган замонда рўй берганлигини кўрсатиш билан изоҳланади [4, 81]:

Und Chodshar – du erinnerst dich doch an sie -, „wandte sie sich an Tadshichon, “ - sie hat uns kürzlich besucht – ihr sollen nur einunddreißig Tonnen für ihre Auszeichnung als Held der Arbeit gefehlt haben! (35)

Куйидаги мисол ҳам иккита содда гапли микроконтекстдан иборат:

Бироқ Дўстматов устидан правлениега маълумот тушиди: бу одам янги уйга ҳали ҳам кўчиб қирмабди. (159)

Бу мисолда ҳам на нутқ феъли на унинг маънодоши бор. Хабар манбаининг ўрни юқоридаги микроконтекстдагидек, яъни бу вазифани биринчи гап бажаради. Бу мисолда

хам хабарни сўзловчига аслида аниқ шахс(лар) етказди. Аммо сўзловчи миллий ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилгани боис нутқий амал ўрни аниқ айтишга имкон бермайди. Макроконтэкст аниқроғи олдинги гаплардан мулоқот ўрни мажлис эканлиги маълум бўлади. Бошқача айтганда жамоа хўжалиги раҳбариятига *бу одам янги уйга ҳали ҳам кўчиб кирмади (ёки киргани йўқ)* деган мазмунда маълумот тушади. Сўзловчи шу гапни ўзлаштириб баён қилади. Бунинг учун фақат кесимдаги *бевосита кузатганлик* семаси белгиланган кўшимча (*-ди ёки -гани йўқ*)ни *ўзлаштирама хабар* семасини ифодалаш учун хосланган кўшимча (*-ибди*) билан алмаштиради холос. Бироқ ўзлаштирама хабар ҳақидаги маълумот тўлиқроқ бўлиши учун макроконтэкстга мурожаат қилишга тўғри келади. Олдинги гапларда нутқий амал ўрни ўз ифодасини топгани каби сўзловчининг колхоз раиси Қаландаров эканлиги, тингловчи эса мажлис аҳли эканлиги аён бўлади ва хоказо.

Русча таржима бевосита бўлса ҳам таржимонлар ёзувчининг ихчам, тежамкор услубига қатъий риоя қилмайди. Натижада асл нусхадаги бир сўз (Дўстмаматов)га таржимада саккизта мустақил ва ёрдамчи сўз тўғри келади.

Но, как нам стало известно, один из этих товарищей, а именно товарищ Дустмаматов, до сих пор не хочет переезжать в новый дом. (279)

Ёзувчи Дўстмаматовнинг янги уйга кўчиб кирмаганлиги сабабли кейинги макроконтэкстга қолдирди. Шу боис микроконтэкстда битта кўшма сўз билан кифояланади (*кўчиб кирмабди*). Таржимада эса *не хочет* сўзи кўшилган ва хоказо.

Хабар манбаи таржимаси аксинча аниқ. Таржимонлар ўзлаштирамалик учун шунинг ўзи етарли деб ҳисоблаганидан эргаш гапли кўшма гапдан эмас, содда гапдан фойдаланган. Бу эса таржимонларнинг тежамкорликка риоя қилганидан далолат беради.

Немисча таржима кўп жиҳатдан русча микромаатнга мос. Жумладан, асл нусхада ўтган замон шакли орқали ифодаланган ўзлаштирама хабар немис тилида рус тили каби ҳозирги замон шакли (презент) билан ифода этилган.

Асл нусхада *аллақачон кўчиб кириш керак эди* деган фикр назарда тутилган бўлса таржима матнларда *ҳалигача кўчиб кирмаяпти* деган маъно англашилади. Бундан ташқари бевосита таржимада ўзлаштирама хабар ифодаланишининг синтактик хусусияти инobatга олинмаган. Билвосита таржимада бундан ташқари морфологик хусусиятидан ҳам воз кечилган. Бинобарин боғловчи (*даß*)ли эргаш гап ва ўзлаштирама хабарнинг морфологик белгиси бўлган майл (конъюнктив) шакли қўлланмаган. Иккала тилда ҳам фақат луғавий восита билан кифояланилган (*как нам стало известно – wie wir erfahren haben*):

Wie wir aber erfahren haben, weigert sich einer dieser Genossen, und zwar der Genosse Dustmamatow, das neue Haus zu beziehen. (204)

Энди ўзлаштирамаликнинг *-(и)бди* кўшимчаси орқали *макромаатнда* ифодаланишига битта мисол олиб кўрамиз:

Бизнинг бобони жуда яхши билиб олибсиз. У кишини партия мажлисида интизомга бўйсундирибсиз. Сизни орқа қилиб, хотинлар у кишини танқид қилишибди... Аъзамжон билан Тошкентда кўришган эдим, ўша гапириб берди. (134)

Макромаатн бир абзац, учта содда ва битта кўшма гапдан тузилган. Содда гапларда ўзлаштирама хабар уч марта ифодаланган. Иккита содда гапда II шахснинг, биттасида III шахснинг фикри ўзлаштириб баён қилинган. Бошқача айтганда икки марта тингловчининг, бир марта ўзга шахснинг фикри ўзлаштирилган. Сўзловчи учала гапда ҳам лисоний восита билан ифодаланмай назарда тутилган. Тингловчини ифодалаш учун фақат кўшимча (*-сиз*) қўлланган. Уларнинг иккаласи ҳам олдинги абзацнинг охири гапида атокли от (*Козимбек, Саида*) орқали воқеланган. Козимбек сўзловчи, Саида тингловчи. Айни пайтда у ўзлаштирама хабар қаратилган шахс, яъни иш-ҳаракат субъекти. Учинчи гапда ўзлаштирама хабар ўзга шахслар (*хотинлар*) томонидан амалга оширилган. Бу гапда кесимнинг сонини кўрсатиш учун ҳам кўшимча (*-ши*) ҳам турдош

от (*хотинлар*) қўлланган. Тежамкорликка риоя қилинмаган яъни кесимдаги *қўплик* кўрсаткичи тежалмаган. Балким *қўплик* семасини таъкидлаш мақсадида шундай йўл тутилгандир.

Абзацнинг охиридаги қўшма гап ўзлаштирма хабар манбаи вазифасида келган. Ундан сўзловчи Козимбек ўзлаштириб баён қилган уч қисмли хабарни Тошкент шаҳрида Аъзамжондан эшитган бўлади. Демак бошқа нутқий амалда сўзловчи бўлган шахснинг касби (мухбир эканлиги) эса кейинги иккинчи абзацнинг биринчи гапидан маълум бўлади. Хабар манбаининг кесими вазифасида нутқ феъли (*гапириб берди*) келган. Козимбекнинг Аъзамжон билан суҳбати тўлиқ келтирилмаганидан учинчи хабардан кейин кўп нуқта қўйилган. Бундан ташқари мазкур абзац бошидаги чизик (тире) уч қисмли ўзлаштирма хабар суҳбатнинг таркибий қисми эканлигини кўрсатиш мақсадида қўйилган. Ушбу қисқача таҳлилдан кўринадикки ўзлаштирма хабар ҳақидаги маълумотнинг бир қадар тўлиқ бўлиши учун тўрт гапли абзац ҳам етарли бўлмаслиги мумкин экан.

Энди асл нусхадаги макроматннинг бевосита таржимасига мурожаат қиламиз:

Козимбек перестал краснеть и ещё раз повторил, что Саида, кажется, неплохо изучала его отца.

- До меня ещё по дороге сюда дошёл слух, будто бы, когда он ушел без разрешения, вы заставили его вернуться на партийное собрание, и, уж поверьте мне, я то знаю, что заставит моего папашу совершить такой вполне нормальный для другого человека поступок – значить, сделать большое дело! А потом мне говорили, что, почувствовав вашу поддержку, тут даже женщины критиковали его. Ну, а это уж вообще не было от сотворения мира! А знаете, кто мне все это рассказал? Аъзамджан! Я встретился с ним по дороге. (242)

Кўриниб турибди таржимонлар ёзувчи услубига эркин ёндашганлигидан шаклан ўзгариш кўп. Асл нусхадаги беш қаторли абзацдан ўн икки қаторли иккита абзац ҳосил бўлган. Ўзгартирилган ва қўшилган сўз, гап анча. Жумладан, *Аъзамжон билан Тошкентда кўришган эдим* гапи я *встретился с ним по дороге* деб ўзгартирилган. *Аъзамжон* сўзи аввал русча талаффузга мослаб *Аъзамджан* шаклида ёзилган, кейин с *ним* деб такрорланган. Булардан иккита олдинги гап асл нусхада йўқ, тўлиқ қўшилган. Бунинг устига у ҳиссий бўёқ билан йўғрилган. Бундай баён усули макроконтестдаги аксар жумлага хос. Бу мақсадда муболаға, антитеза, эҳтирос (ёзувда ундов белгиси) каби таъсирчан бадий восита ва унсурлардан фойдаланилган. Асл нусхада атиги битта нутқ феъли (*гапириб берди*) қўлланган бўлса таржимада *повторил, слух, говорили, рассказал* каби от ва феъллар ишлатилган. Асл нусхадаги ихчам ва кетма-кет келган ўзлаштирма гаплар кенгайиб келган, бир-биридан ажратилган. Иккитаси боғловчи (*что*)ли эргаш гап билан ўгирилган-у, биттасининг шакли ўзгартирилган ва б.

Немисча таржима билвосита бўлганидан рус таржимонлари йўл қўйган камчилик ва қусурлар айнан такрорланган. Жумладан, фақат абзац сони эмас, қатор сони ҳам тенг. Ўзлаштирмаликнинг синтактик белгиси бўлган боғловчи (*daß*)ли эргаш гап иккита. Ўзлаштирмаликнинг морфологик белгиси бўлган конъюнктив замон шакли бир марта боғловчили ва бир марта боғловчисиз эргаш гапда қўлланган. Шунини эътироф этиш жоизки иккала таржимада ҳам Козимбекнинг Саидага мурожаатида асл нусхадагидек уч ўринда хурмат шакли ишлатилган.

Русча таржима ва асл нусха билан қиёслаб кўриш учун немисча макроматнни тўлиқ келтирамиз:

Von Kasimbeks Gesicht wich die Röte, und er wiederholte nochmals, daß sie, Saida, den Vater wohl nicht schlecht kenne.

„Schon auf dem Wege her habe ich gehört, Sie hätten ihn zur Rückkehr veranlasst, als er die Versammlung ohne Erlaubnis verließ. Glauben Sie mir, ich weiß, was das bedeutet, Vater zu einem solchen Schritt zu veranlassen, der jedem anderen als völlig normal erscheint. Ich

habe auch gehört, daß die Frauen ihn kritisiert haben, als sie Ihre Unterstützung spürten. Kaum vorstellbar! ... – Das hat es seit Erschaffung der Welt noch nicht gegeben! Und wissen Sie, wer mir das alles erzählt hat? Aksamshan! Ich traf ihn unterwegs.“ (157-158)

Энди тўлиқсиз феъл билан ҳосил бўлувчи шакллар таҳлилига ўтамиз. Дастлаб - **ган экан шакли**ни олиб кўрамиз:

Ўшанда гапни шу бошлаб, аёллар қий-чув кўтаришган экан. (164)

Бу мисол микроконтекст бўлиб -ган экан шаклининг ўзлаштирама хабар ва ўтган замон семалари намоён бўлган. Бу семаларнинг биринчиси тўлиқсиз феъл билан, иккинчиси кўшимча (-ган) орқали ифодаланмоқда. Микроконтекстдаги биринчи сўз (ўшанда) ҳам замон семасига дахлдор. У кўчирма хабарнинг ҳозир эмас, илгари бошқа бир нутқий амалда ўзлаштириб баён қилинганини билдиради.

Тўлиқсиз феъл ўзлаштирилган хабарнинг синтактик жиҳатдан нотугал эканлигини ҳам англатади. Бошқача айтганда кесимдан англашилган иш-ҳаракат борлиги сезилиб туради. Шу боис ўзлаштирама хабардан кейин вергул қўйиб фикр давом эттирилган (ҳозир ҳам шуноқ бўлармикин?). *Ўзлаштирама хабар* семаси билан боғлиқ яна бир қатор коммуникатив хусусиятни аниқлаш учун макроконтекстга мурожаат қилишга тўғри келади. Чунончи суҳбат ўрни умумий мажлис эканлиги анча олдин (158-бетдан) маълум бўлади (*Навбатдаги умумий мажлис бир неча кундан кейин чақирилди*). Ўзлаштирама гапдан битта олдинги гапда сўзловчи *Қаландаров*, тингловчи *аёллар* эканлигини билиб оламиз. Шулардан бири *Ойниса* исми аёл эканлиги ҳам микромаънadan битта гап олдинда ифодасини топган. Микромаънда у олмош (*шу*) билан ифода этилган. Аммо сўзловчи (*Қаландаров*) хабарни айнан кимдан эшитиб ўзлаштириб баён қилганлиги номаълумлигича қолган. Демак ёзувчининг коммуникатив мақсадига кўра буни лисоний восита билан ифодалаш назарда тутилмаган ва ҳоказо.

Русча таржима бевосита бўлса ҳам асл нусхадаги ўзлаштирама гапнинг на мазмуни на шакли ўз ифодасини топган. Бошқача айтганда микро- ва макроконтекстда хабарни ўзлаштириб баён қилинганлигини кўрсатувчи на луғавий на синтактик ва на морфологик восита қўлланган. Оқибатда микромаъндаги хабарни сўзловчи бевосита ўзи кузатиб, гувоҳи бўлиб баён қилаётгандек тасаввур ҳосил бўлади:

Да, это была она – Ойниса, хорошо известная на весь район звеньева, это она в дни отъезда Каландарова, на лекции для женщин, первая открыла ему огонь. (285)

Немис тилида ўзлаштирмаликни кўрсатувчи эргаш гап, эргаштирувчи боғловчи (*daß*), мустақил содда гап, майл (конъюнктив) замон шакли ва луғавий воситалар бўла туриб уларнинг бирортасидан фойдаланилмаган. Бунинг сабаби русча таржима асос қилиб олинганлигидир. Таржимон ҳатто сўзловчи (*Қаландаров*) мазкур ўзлаштирама гап айтилганда унинг гувоҳи бўлмаганлигини бевосита кўрсатувчи сўзлар (*während der Abwesenheit Kalandarows*)га ҳам эътибор бермайди. Русча маънадан фарқ битта. Макромаъндаги *звеньева* сўзи *eine Brigadierin* деб ўзгартирилган холос:

Ja, es war Ojnissa, eine in der ganzen Gegend bekannte Brigadierin, die seinerzeit, während der Abwesenheit Kalandarows, auf der Frauenversammlung als erste das Feuer gegen ihn eröffnet hatte. (213)

Кўйидаги мисолда кўчирма гап -ган экан шакли орқали икки марта ўзлаштириб баён қилинган бўлса ҳам контекст ихчам, кесим уюшган содда гапдан иборат. *Ўтган замон* семасининг синтактик хусусияти олдинги мисолга мос, яъни иш-ҳаракат нутқ вақти билан эмас, бошқа бир иш-ҳаракат билан муносабатга киришади. Бу хусусият луғавий воситада ҳам ўз ифодасини топган: *бир вақтлар ҳозир*. Ўзлаштирилган гапдан кейин вергул қўйиб яна битта содда гап қўшилганлиги шу билан изоҳланади:

Хуринисо опам ўқиган, бир вақтлар туппа-тузук ўқитувчилик ҳам қилган эканлар, ҳозир нега ишламайдилар? (121)

Ўзлаштирама хабар семасини ифодаловчи восита бўлган тўлиқсиз феъл бир марта тежалган, уюшган кесимнинг иккинчи қисмига қўшилган. Бундан ташқари мулоқотга

алоқадор кишилардан фақат *ўзга шахс* ҳам тўлиқсиз феъл (*экан*) ҳам от (*Хуринисо*) билан ифодаланиб ойдинлашган. Айни пайтда сўзловчининг ўзга шахсга бўлган ҳурматини кўрсатиш учун қўшимча (*-лар*) қўлланган. Сўзловчи (*Саида*) ва тингловчи (*Арслонбек ака*) эса макроконтекстда, яъни олдинги гапда атоқли от билан ифода этилган. Мулоқот ўрни идора, Қаландаровнинг кабинети эканлиги анча илгари (119-бетда) аниқ кўрсатилган. Хабар манбаи ҳам анча илгари маълум бўлганидан мазкур микромазмунда тежалган ва ҳоказо.

Русча матнда хабарнинг ўзлаштириб баён қилинганлигини кўрсатувчи синтактик восита (эргаш гап)га мурожаат қилинмаган. Хабар манбаини кўрсатувчи бирор луғавий восита ҳам йўқ. Морфологик восита эса рус тилида умуман мавжуд эмас. Шу боис контекстдан хабарнинг ўзлаштирилганлиги англашилмайди. Замон семасининг синтактик хусусияти ҳам инобатга олинмаган. Шундан бўлса керак асл нусхадаги нисбийликни кўрсатувчи сўзлар тушиб қолган:

А Хурниса-апа – грамотная женщина, была учительницей, - почему же она теперь не работает? (223)

Немисча таржима билвосита бўлганидан русча контекстдаги ноқислик барчаси такрорланган. Русча микро- ва макроконтекстда ўзлаштирмаликни кўрсатувчи бирон бир лисоний восита бўлмагани боис немис таржимони ҳам сўзловчи ўзи бевосита кузатган иш-ҳаракат ҳақида хабар бермоқда деган хулосага келган бўлса керак. Акс ҳолда немис тилида мавжуд бир неча хил воситадан ҳеч бўлмаса биттасини қўллар эди:

Churnisa-apa ist dagegen eine gebildete Frau, sie war Lehrerin – warum arbeitet sie nicht mehr? (135)

Имловий хатолар ҳам таржиманинг билвосита эканлиги билан изоҳланади. Чунончи *Churnisa* сўзида учта товуш русча талаффузга мос ёзилган, биттаси тушириб қолдирилган.

Куйидаги мисол ҳам микроконтекст, битта мураккаб содда гап. Унда ҳам ўзлаштирма хабар *-ган экан* шакли орқали икки марта ифодаланган:

[*Қирқ иккинчи йилда “Бўстон” колхозиди раис бошлиқ бир тўда жиноятчилар шайкаси фош қилинди.*] *Шайка колхоз мулкани талон-тороғ қилиб, колхозчилар ҳақини еган, хўжаликни барбод қилган экан.* (47) Олдинги мисолдагидек тўлиқсиз феъл бир марта тежалган. Аммо тузилиши ундан фарқ қилади. Уч қисмли бўлиб биринчи қисмда *-иб* қўшимчали равишдош қўлланган. У икки вазифани бажаради. Биринчидан ўзи қўлланган қисмни содда гапнинг иккинчи қисми билан боғлайди. Иккинчидан *ўзлаштирма хабар* ва *ўтган замон* семаларини *-ган экан* ўрнида қўлланган. Шу боис биринчисини иккинчиси билан алмаштирса бўлади (*шайка колхоз мулкани талон-тороғ қилган ёки қилган экан*). Ёзувчининг коммуникатив мақсади ихчамлик ва тежамкорлик бўлганидан шундай йўл туган. Бундан ташқари *ўтган замон* семасининг синтактик хусусияти ҳам ўзгача кўринишда намоён бўлган. Мисолнинг биринчи гапидаги иш-ҳаракатдан сўзловчи ўзи бевосита хабардор бўлганлиги англашилади (*фош қилинди*). У синтактик жиҳатдан тугалланган, шу сабабли охирида нуқта қўйилган. Аммо кейинги гап мазмунан тугал эмас. Буни ундаги биринчи сўз (*шайка*) билдиради. У олдинги гап эгаси (*жиноятчилар шайкаси*) билан мазмунан муносабатга киришиб ундан кейинги содир бўлган иш-ҳаракатни англатади. Демак синтактик хусусият *нисбийлик* тарзида воқеланган. Мазкур гап айни вақтда хабар манбаи эканлигини ҳам пайқаб олиш қийин эмас. Сўзловчининг Саида, тингловчининг райком секретари Носиров эканлиги эса олдинги микромазмунлардан бирида ифода этилган.

Рус таржимонлари асар муаллифининг баён услубини маъқулламайди. Шу микроконтекст ва яна бир ярим саҳифадан кўпроқ келадиган икки абзацни тушириб қолдиради. Бунинг сабабини куйидагича изоҳлайди:

Вот о каком человеке говорили сейчас, сидя в райкоме, Насыров и Саида; пересказать весь их разговор целиком было бы слишком длинно, но конец его все же

надо привести полностью, ибо конец этого разговора, в сущности, и есть начало нашей повести...! (127)

Немис таржимони асл нусхадан хабардор эмаслигидан рус таржимонининг фикрини тўлиқ ва ҳеч ўзгаришсиз такрорлайди. Оқибатда *район раҳбарининг, ҳатто баъзи бир марказий масъул ходимларнинг қаноти остида Қаландаровга қилич ўтмайдиган, ўқ тегмайдиган бўлиб қолгани сабаблари* баён қилинган бир ярим саҳифалик ўзига хос матн тушиб қолган:

*Über diesen Mann also sprachen Nassyrow und Saida im Kreisparteikomitee. Ihr Gespräch gänzlich **wiederzugeben würde allzuviel Zeit in Anspruch nehmen**, aber immerhin müssen wir wenigstens den Schluß anführen, da der Schluß dieses Gesprächs im Grunde auch der Anfang unserer Geschichte ist...!* (13)

Ўзлаштирмаликни ноқардош тилларда қиёслаш мақсадида танланган ўзбекча бадий асарнинг бевосита (рус) ва билвосита (немис) таржимаси таҳлил қилинганда ўзбек тили бош хусусияти, шунингдек, ёзувчининг услубига хос тежамкорлик таржимада ўз аксини топмаганлигига гувоҳ бўлди. Рус таржимони ўзбек тили хусусиятини инобатга олмаганидан асар таржимаси айнан русча қолипга мос. Аниқроқ қилиб айтганда, ўзлаштирмаликни ўгиришда айрим ўринда нусхада йўқ сўз, сўз бирикмаси ва гаплар қўшилган ёки, аксинча, тушириб қолдирилган ёхуд алмаштирилган. Немис тилида рус тилидан фарқли равишда ўзлаштирмаликнинг морфологик воситалари бўлса-да, таржимада деярли қўлланмаган. Бундан ташқари айрим сўзнинг имлоси ҳам русча шаклда берилган.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Duden. Grammatik. –Mannheim: Duden Verlag, 2008, S. 750-754.
2. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. Москва, 1984. (Humboldt Wilhelm. Izbrannnie trudy po yazikoznaniyu. Moskva, 1984.)
3. Зикриллаев Ф. Рух ва тил. Тошкент, “Фан”, 2018. (Zikrillayev G`N., Ruh va til. Toshkent, “Fan”, 2018)
4. Крашеникова Е.А. Модальные глаголы и частицы в немецком языке. Москва, «Учпедгиз», 1958, стр. 81. (Krashennikova E.A. Modalnie glagoli i chastici v nemetskom yazike. Moskva, “Uchpedgiz”, 1958, str. 81.)
5. Крушельницкая К.Г. Грамматические значения в плане взаимоотношения языка и мышления // Язык и мышление (тўплам). Москва, “Наука”, 1967. (Krushelniskaya K.G. Grammaticheskie znacheniya v plane vzaimootnosheniya yazika i mishleniya // Yazik i mishlenie (to‘plam). Moskva, “Nauka”, 1967.)
6. Рўзиев Я.Б. Немис адабий тилида ўзлаштира нутқ. International Scientific and Practical Conference "Modern philological paradigms: interaction of traditions and innovations II", www.myscience.uz. 18.03.2022, p. 72-77 (Ro‘ziev Y.B. Nemis adabiy tilida o‘zlashtirma nutq. International Scientific and Practical Conference "Modern philological paradigms: interaction of traditions and innovations II", www.myscience.uz. 18.03.2022, p. 72-77).
7. Рўзиев Я.Б. Ўзбек тилшунослигида кўчирма ва ўзлаштира нутқнинг талқину тавсифи. БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ, 2022. -№ 4-сон. 68-77-б. http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8285. (Ro‘ziev Y.B. O‘zbek tilshunosligida ko‘chirma va o‘zlashtirma nutqning talqinu tavsifi. BuxDU ilmiy axboroti. – Buxoro: BuxDU, 2022. -№ 4-son. 68-77-б.)
8. Рўзиев Я.Б. Рус тилида кўчирма ва ўзлаштира нутқ. Ilm sarchashmalari, UrDU, 2022 yil, 11-son. 141-145-b. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/authorDashboard/submission/8287. (Ro‘ziev Y.B. Rus tilida ko‘chirma va o‘zlashtirma nutq. Ilm sarchashmalari, UrDU, 2022 yil, 11-son. 141-145-b.)
9. Рўзиев Я.Б. Руҳий қувват билан тилнинг ўзаро муносабати. Innovative Development in Educational Activities. ISSN: 2181-3523. Volume 1, Issue 6, 2022. <https://zenodo.org/record/7434511#.Y5nmLX1BzIU> https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/authorDashboard/submission/8289 (Ro‘ziev Y.B. Ruhiy quvvat bilan tilning o‘zaro munosabati. Innovative Development in Educational Activities. ISSN: 2181-3523. Volume 1, Issue 6, 2022.)
10. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Тошкент, “Фан”, 1976. (O‘zbek tili grammatikasi. II tom. Sintaksis. Toshkent, “Fan”, 1976.)
11. Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. Тошкент, “Фан”, 1966. (Hozirgi o‘zbek adabiy tili. II. Sintaksis. Toshkent, “Fan”, 1966.)

Мисоллар олинган бадий асар:

1. Абдулла Қаҳҳор. Синчалак. Повест // Асарлар. Беш жилдлик. Учинчи жилд. Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 44 – 188. (Abdulla Qahhor. Sinchalak. Povest // Asarlar. Besh jildlik. Uchinchi jild. Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1988. – B. 44 – 188.)
2. Абдулла Каххар. Птичка-невеличка//Собрание сочинений в пяти томах. Том III. Ташкент: Изд. Г. Гуляма, 1972. С. 119-317. *Перевод Константина Симонова и Камрона Хакимова.* (Abdulla Kahhar. Ptichka-nevelichka//Sobranie socheneniy v pyati tomax. Tom III. Tashkent: Izd. G. Gulyama, 1972. S. 119-317. *Perevod Konstantina Simonova i Kamrona Hakimova.*)
3. Abdulla Kachar. Sekretär Saida. Roman. 2-Auflage. Verlag Kultur und Fortschritt, Berlin. 1961. *Deutsch von Edeltraud Brümmer.*